

ЎЗБЕК ДИДАКТИК АДАБИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

М.Мирзаев

В статье рассматриваются малоизученные научно-теоретические проблемы дидактической литературы в литературоведении.

The article deals with some uninvestigated problems of didactic literature in literature knowledge.

Ўзбек адабиёт илми ҳозирги даврга келиб адабий миллий меросни янгича бадий эстетик тафаккур кўзи билан таҳлил қилиб чиқаётгани натижасида адабиётшунослигимизнинг навбатдаги имкониятлари юзага чиқмоқда.

Миллий истиқлол умумтуркий, хусусан, ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини миллий онг инъикосида ўрганишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий адабиётининг илк ёзма асос поғонаси ҳисобланмиш дидактик адабиётни текширишда унинг шаклланиши ва тараққиётига асос бўлган турли омиллари таҳлил қилиш - ўртага ташланган муаммони кенг ва атрофлича ўрганиб чиқишга олиб келади.

Умумтурк, хусусан, ўзбек дидактик адабиёти худуди энг қадимги даврлардан то XIII асргача бўлган адабий майдон ва вақт чегарасини эгаллагандир. Бу даврда ҳозирда хорижий Шарқ ҳисобланмиш қадим мамлакатлар худудида рўй берган ижтимоий ўзгаришлар: сомонийлар сулоласининг ҳукмронлиги, бу ҳокимликнинг X асрда қорахонийлар ва ғазнавийлар томонидан тугатилиши, салжуқийларнинг Ўрта Осиё ва қўшни худудлардаги ҳукмронлигининг бошланиши туркий халқлар яшаган мамлакатларда янгича ижтимоий-сиёсий ҳаётни юзага келтирди. X-XI асрларда Ғарбу Шарқ маданий алоқасига асос солган "Буюк ипак йўли"нинг Туркистон орқали ўтиши ўлкада иқтисодий барқарорликни тиклайди. Хусусан, қорахонийлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий онг махсули бўлмиш туркий тафаккур ва маданият, дунёқараш умумжаҳон цивилизациясига таъсир қиларли даражада юксалди.

Ўзбек дидактик адабиётининг вужудга келиши ва тараққиётида ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик омиллари муҳим ўрин эгалайди.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар таъсирида фалсафа, дин, ахлоқ, дидактикага оид қарашлар мужассамлашади. Ўрта Осиёга араблар босқини туфайли кириб келган ислом дини адабиётни сўфизм таълимоти билан суғоради. Маълумки, ислом сўфизми дастлаб панд-насиҳат мазмунида бўлиб, инсонларни доимо Улуғ хулқ негизидagi ахлоқ нормаларига риоя қилишга чақирган. Бундай янгича мазмун ахлоқий омил сифатида илк ёзма адабиётимизда дидактизмни кучайтиришда чет омил сифатида хизмат қилди. Адабий жараёнлар мазмунига яқинроқ турган, ўлкада қарор топа бошлаган ислом ғоялари таъсирида нисбатан активлашган, миллий заминга яқин бўлган дидактика ўз мазмунини сақлаган ҳолда адабиёт майдонига ўсиб ўтди.

Айни вақтда, янги қарор топган мамлакатни бошқариш, унинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётини изга солиб туриш учун фозил, ахлоқан баркамол, диёнатли шахслар, раҳбарларни давр, тарихий воқеалар талаб қилар эди. Натижада давр ғояларини ўта тез, оммавий тарзда намоён этадиган адабиёт бу "буюртма"ни бадий жиҳатдан тезда ўзида зуҳр этди: дидактик адабиёт пайдо бўлди.

Дидактик адабиётимизда жанр ва формаларнинг қарор топишига эстетик омиллари таъсири ҳам катта бўлди. Хусусан, қадим миф ва афсоналар, халқ қўшиқ, эртақларининг ғоявий мазмуни, халқ китобларидаги дидактик ғоялар ислом дини таъсирида умумтурк эстетик дунёсидан ўрин ола бошлади.

Туркий тафаккурда XII асрларга келиб бадий инъикос даражасига ўсиб чиққан тасаввуф эстетикаси вазифасини ҳам дастлаб дидактик адабиёт бажариб келганини алоҳида ўрганиш, таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Ўзбек дидактик адабиётида ўртага ташланган эстетик ғоя, мақсад етук тасаввуф эстетикасидан фарқли экани бу давр адабиётининг ўзига хос бир мактаб сифатида қарор топганининг исботидир. Айтиш мумкинки, дидактик адабиётда то "Қиссаси Рабғузий"гача ижтимоий-маънавий ҳаёт адабий тасаввуф қарашлари билан эмас, балки диний сўфистик нигоҳ билан тасвирланган; инсон ва унинг комил ахлоқ муаммоси орзу қилинган.

90-йиллар ўзбек адабиётшунослигида тасаввуф адабиёти муаммоларини тадқиқ қилиш кучайди. Натижада XIV-XV асрда етук жараён сифатида қарор топган тасаввуф эстетикаси ҳақида кейинги тадқиқотлар учун таянч бўла оладиган назарий хулосалар чиқарилди. Аммо ана шу етук эстетик жараён талаблари, имкониятлари ва қонун-қоидаларини ислом сўфизми мазмуни билан ўлчаш, сўфийга қўйилган талабларни адабий асардан талаб қилиш ҳоллари ҳам учрайдики, бу маълум маънода адабиётга санъат сифатида қарашларга путур етказди.

Ўзбек дидактик адабиётидаги миллий ва исломий дидактиканинг қарор топиш даври бўлган IX-XIII асрлар адабиётига етук тасаввуф эстетикаси мезонлари билан ёндошиш ҳам ана шундай илмий чекланишлардан ҳисобланади.

Муаммони тадқиқ қилишдан аввал "дидактик адабиёт", "дидактизм" атамаларини шарҳлаш, унинг хусусий маъно мезонини белгилаш керак бўлади. Чунки "дидактика" атамасининг умумий, яъни тарбия, панд-насихат маъносида келишини адабиётга ҳам тадбиқ қилиш бадий адабиётнинг жамиятдаги эстетик аҳамиятини пасайтириб юборади. Баъзи бир манбаларда бу атамага аниқ изоҳ берилган бўлса-да [1], аксариятида дидактик адабиётни панд-насихат адабиёти маъносида шарҳлаб кетилган ёки бадий услубда ёзилган илмий асарлар ҳам ушбу адабиёт маъносида санаб кетилган [2].

Адабиётимиз сарчашмаси халқ оғзаки бадий ижодидир. Эътибор бериб қаралса, дидактик адабиёт ёзма адабиётимизнинг дастлабки поғонаси саналади ва ундаги дидактик мотив фольклордан ўсиб-ўтган энг яхши фазилатдир. Тўғрироғи, "Ўғузнома", "Бахтиёрнома", "Абомуслимнома" каби халқ китоблари халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт синтези сифатида вужудга келди ҳамда ўзбек дидактик адабиётининг илк намунаси сифатида қарор топди. Бу жараёнда сайқаланган дидактик мотив (тасаввуфгача бўлган дидактик мотив деб аталса ҳам бўлади) ислом дини орқали кириб келган тасаввуф дидактизми билан бадий талант соҳиблари қаламида - ижодий лаборатория шароитида яхлитлашиб, ўзбек дидактик адабиёти асос мазмунига сингди; жаҳон адабиётида ўз ўрни, худуди, поэтик мазмунига эга бўлди.

Ўзбек дидактик адабиёти поэтикасига назар ташласак, унда жанр ва формалар ранг-баранглигини кўрамиз. Навбатда эса ана шу жанрлар сарчашмаси, чегараси ва иккинчи бир жанрга ўсиб-ўтиши, адабий формаларнинг эса жанр сифатида қарор топиши тадқиқи туради.

Бу босқичининг жанрлар тузилиши ва бадий мазмуни нисбатан мураккабдир. Чунки халқ оғзаки ижоди намуналари, халқ китобларидаги мавзулар, ислом дини билан кириб келган сайёр сюжетлар ва композицион тузилиш каби ходисалар ана шу мураккабликни юзага келтирди. Бунга яна ёзма адабиётдаги ананавийлик ҳали мактаб даражасига чиқмаганлиги, илмий ғоялар, кашфиётларни бадий тил ва формаларда бериш ананга айлангани ҳолатларини ҳам қўшсак, қаршимизда назарий тахлилига мухтож бўлган бир қатор муаммолар тургани аён бўлади.

Кузатишларимиздан яна шу нарса аён бўлдики, дидактик адабиётнинг дастлабки ёзма, адресатли дostonлари билан охириги намуналари - Рабғузий, Аҳмад Яссавий асарлари ўртасида ҳам поэтик қурилишда, ҳам эстетик мақсадда, ҳам бадийликда кескин фарқлар бор экан. Демак, дидактик адабиётнинг тараққиёт босқичларини белгилаш, бу босқичларнинг хос хусусиятларини аниқлаб бериш навбатдаги вазифадир.

Маълумки, адабий тур ва жанрлар поэтикасининг мавқеини, хос хусуси-етларини бадиий ифода ва тасвирий воситалар ҳам белгилаб беради. Шу маънода Шарқ Уйғониш даврининг чуққиси ҳисобланган XIV-XV асрлар адабиётига, бадиётига дидактик адабиёт замин тайёрлаб берди, дейиш мумкин.

Бу фикрга яқин мулохазалар муътабар манбаларда [3] IX-XI асрлардаги Шарқ илм дунёсидаги кутарилиш билан боғланган ҳолда ўртага ташланган, албатта. Аммо дидактик адабиётни бу соҳадаги хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз бўлади. Бу адабиёт Шарқда Уйғониш даврининг илк босқичи сифатида ўз нуфузига, баҳосига ва бадиий эстетик вазифасига эга. Чунки дидактик адабиётнинг энг яхши намуналари бўлган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Адиб Аҳмад Югнакийнинг “Хиббатул ҳақойиқ” дostonлари меҳвариди Комил Инсон ва унинг маънавий-ахлоқий қиёфаси туради. Тўғрироғи, дидактик адабиётда етук инсон қандай бўлишининг назарий программаси ўртага ташланади. Агар бутун жаҳон Уйғониш даври адабиёти ва санъатининг энг муҳим белгиси, муаммоси инсон ва унинг маънавий дунёси тахлили эканлигини эсга олсак, ўз-ўзидан юқоридаги масалани ўртага ташлашга журъат қилганимизга камтар бир таянч топамиз.

Фикримизни яна ҳам ойдинлаштириш учун Уйғониш даври адабиётида ўртага ташланган муаммо, гоё, мавзуларнинг умуминсоний мазмунга эга эканлигида, уларнинг мазмуни умумбашарий қадриятлар билан ўлчанишида эканлигини эслаш жоиз. Адабиётдаги бу улуғ фазилат ўткинчи сиёсатлардан холи бўлиб, на ирқ, на миллат ва на ҳудудни тан олади. Шунинг учун Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” дostonи Шарқда улуғ давлатлар томонидан тан олинган ҳамда эҳтиромли, юксак унвонли номлар билан аталиб, юз йиллар давомида мамлакат бошқарувининг маънавий-маърифий қомуси сифатида фойдаланилган:

Қайу кэнд улуш орду қаршы йэрэ
Китабке өнин ат атамышлар-а
Ул элнинг богуси ҳакими туруб
Ат урмыш ул элнинг торучэ коруб
Чинилар адабул мулук тэб айар
Мачинлар анисул мамалик ма айар.
Бу Машриқ элинда улуғлар муны
Зийнатул умаро тэйурлэр кони
Эранлығлар Шаҳнама тэр мунар
Туранлығлар Қутадғу билиг тэб уқар [4]

Маъноси:

Ҳар бир кенд, қишлоқ, шаҳар, сарой ва ерда,
Китобга бошқача от қўйганлар.
Ўша элнинг доно(лар)и, ҳаким(лар)и ҳаракат қилишиб,
Ўша элнинг қонун-қондасига мослаб атаганлар.
Чинликлар “Адабул мулук” деб атадилар,
Мочинликлар эса “Анисул мамолик” деб атадилар.
Бу Машриқ элида улуғлар бунни,
Чиндан “Зийнатул умаро” дейдилар.
Эронликлар бунни “Шоҳнома” дедилар,
Туронликлар “Қутадғу билиг” деб атайдилар [4].

Демак, ўзбек дидактик адабиётининг вужудга келишидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, эстетик омилларни таҳлил қилиш, халқ оғзаки ижоди ва халқ китобларининг бу адабиётни қарор топишидаги ролини белгилаш, дидактик адабиёт поэтикасини атрофлича текшириш, жаҳон дидактик адабиётининг қарор топиши ва уларнинг Уйғониш даври олдидан пайдо бўлишини қиёсий типологик усулда ўрганиб чиқиб, муҳим хулосалар чиқариш адабиётшуносликнинг навбатдаги вазифасидир.

Бундай текшириш усули шунинг учун муҳимки, дидактик адабиёт намуналари юқорида диққат қаратилган омиллар ва йирик воқеалар туфайли яратилган. Бу ўринда “Хукмдор” (Никола Макиавелли-1469-1527 йй.), “Утопия”

(Томас Морр - 1478-1535 йй.) "Қуёш шаҳри" (Т.Кампанелла - 1568-1639 йй.) ёки Абу Наср Фаробийнинг "Фозил шаҳар ахли қарашлари ҳақида китоб"и, Эразм Роттердамский асарларини эслаш кифоя. Диққатга сазовор жойи шундаки, юқоридаги асарлар кўп жиҳатлари билан Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий асарлари мазмунига яқин туради ҳамда Уйғониш даври арафаларида яратилган.

Демак, дидактик адабиётнинг пайдо бўлиши ва қарор топиши умумжаҳонда рўй берган йирик, ижтимоий-сиёсий, эстетик жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, бу адабиёт навбатдаги адабий бадий босқичга замин тайёрлаб берган.

Зеро Шарқ дидактик адабиётна Шарқ Ренессанси - Уйғониш даври дебо-часи сифатида қаралиши, тадқиқ этилиши туркий (ўзбек) классик адабиётининг жаҳоний нуфузига яна бир фазилат қўшиши шубҳасиздир.

АДАБИЁТЛАР

- [1]. Х а й и т м а т о в А. Шарқ адабиётида ижодий метод масалалари. Тошкент, 1970, 51-52-бетлар; Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 1-жилд. Тошкент, 1977, 87-бет. [2]. Словарь литературоведческих терминов. Москва, 1974, С.68; Литературной энциклопедический словарь. М., 1987. С.98. [3]. А д а м М е ц. Мусульманский Ренессанс. М., 1966; Н у ц з и д з е Ш.И. Руставелли и Восточный Ренессанс. Тбилиси, 1967; К о н р а д Н.И. Запад и Восток. М., 1972; Х а й и т м е т о в А. Кўрсатилган асар. [4]. Ю с у ф Х о с Х о ж и б. Қутадғу билиг. Т., 1972, 52-53-бетлар.

Бошланғич таълим методикаси ва педагогикаси кафедраси

Қабул қилинди
26.12.96